

Ўзбекистон География жамиятининг Туркменистон География жамияти билан ҳамкорлиги

Ўзбекистон ва Туркменистон географлари ўртасидаги муносабатлар узоқ анъаналарга эга. Бир қатор ўзбекистонлик географлар, хусусан, И.Назаров, А.Зокиров, У.Нуров, Б.Бахритдинов турли йилларда Ашхободдаги Туркменистон Фанлар академиясининг Чўллар институти (ҳозирги кунда Туркменистон Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ер ресурслари Давлат Қўмитаси тасарруфидаги Чўллар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси Миллий институти) қошидаги Ихтисослашган кенгашда ўз номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган эдилар. Шу билан бирга, туркман географларидан Б.Суюндуков, М.Худаяров ва бошқалар ўз илмий ишларини Тошкентда ҳимоя қилганлар.

Ўзбекистонлик географлар Туркменистонда ўтказиладиган география ва экология масалаларига бағишланган халқаро конференциялар ва семинарларда, туркман ҳамкасблари, ўз навбатида, Ўзбекистондаги тегишли илмий-амалий тадбирларда маъруза ва мақолалари билан иштирок этадилар.



География фанлари докторлари, профессорлар А.С.Солиев ва Э.И.Чембарисов Туркменистон Фанлар Академияси академиги, РФА мухбир аъзоси А.Г.Бабаев билан Ашхобод шаҳрида

Ўзбекистонлик географлар ўз мақолаларини “Проблемы освоения пустынь” халқаро илмий-амалий журналида, туркман географлари эса ўз тадқиқотлари натижаларини “Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журналида нашр эттирмақда. “Проблемы освоения пустынь” журналининг халқаро таҳририятига турли йилларда ўзбек географлари, профессорлар А.С.Салиев, Э.И.Чембарисов ва Л.А.Алибековлар аъзо бўлган.

Маҳаллий ва хорижий нашрларда Туркменистон Фанлар академиясининг академиги, РФА мухбир аъзоси А.Г.Бабаев ва Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Самарқанд давлат университети профессори

Л.А.Алибеков ҳаммуаллифлигида яратилган Марказий Осиёда чўлланишга қарши курашиш муаммолари, минтақанинг Орол экологик инқирози шароитида барқарор ривожланиш истиқболлари ва географик асосларига бағишланган бир нечта мақолалари чоп этилган.